

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА БУХОРО БОЛАЛАР
ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ ЎРГАТИШ МУАММО СИФАТИДА

Муродова Муниса Шухрат қизи

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти “Мусиқа таълими ва санъат”
йўналиши 1-босқич магистранти.

Аннотация: Маколада, мусиқа дарслари фаолиятида бухоро болалар фольклор қўшиқларини ўргатиши муаммо сифатида урганилиб ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: Урф-одат, гоя, тарбия, қадрият, тафаккур, фольклор, педагог, эстетика, жамият, маданият.

**ПРЕПОДАВАНИЕ БУХАРСКИХ ДЕТСКИХ НАРОДНЫХ ПЕСЕН
НА УРОКАХ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ КАК ПРОБЛЕМА**

Аннотация: В статье исследуется и освещается проблема обучения бухарских детских народных песен в деятельности уроков музыки.

Ключевые слова: Традиция, идея, воспитание, ценность, мышление, фольклор, педагог, эстетика, общество, культура.

**TEACHING BUKHARA CHILDREN'S FOLK SONGS IN MUSIC
CULTURE CLASSES AS A PROBLEM**

Abstract: In the article, the problem of teaching Bukhara children's folk songs in the activities of music lessons is studied and highlighted.

Key words: Tradition, idea, education, value, thinking, folklore, pedagogy, aesthetics, society, culture.

Маълумки, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мусиқий- эстетик тарбиянинг дастлабки асосларига замин яратилади. Бу босқич бошланғич таълим тизимининг энг масъулиятли бўғини ҳисобланади. Айни шу босқичда ўқувчилар мусиқа санъатининг инсонлар ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти, унинг бадиий ифода тили, жанрлари, миллий халқ чолғулари, халқ мусиқа ижодидаги турли маросим, мавсум, урф-одат ва анъаналар билан боғлик намуналари билан яқиндан танишиб борадилар ва улар ҳақида илк назарий маълумотларга, билим ва тушунчаларга эга бўладилар.

Кўриниб турибдики, бу ерда асосий ғоя, тушунча меҳнат турларига оид халқ қўшиқ-айтимларига қаратилган. Дарсликда шунингдек, қўшиқ жанрлар хусусида ҳам маълумотлар берилган бўлиб қўйидагилар қайд этилган: Халқ оғзаки мусиқа ижоди меҳнат ёки турли маросимлар билан боғлиқ бўлган айтимлар ҳам юзага келади. Қўшиқ, лапар, терма, ялла каби айтим жанрлари шулар жумласидандир. Улар халқ орасида кенг ёйилган бўлиб, оммавий айтимлар қаторидан ўрин олган. Масалан, қўшиқ жанриини олайлик. Уни каттаю кичик қўйлайди. Қўшиқ одатда, 7 ёки 8 бўғинли шеърий бандлар асосида жўрсозларсиз яккахон (баъзан кўпчилик) томонидан айтилади. (Мисол тариқасида “Оҳ, лайли” қўшиғи қайд этилган)

Республикамиизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, маънавий етук кишилар бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Таълимнинг барча бўғинларида бўлгани каби умумий ўрта таълим мактабларида ўкувчи-ёшларни таълимни илк босқичидан бошлаб ҳар жиҳатдан етук қилиб, яъни жисмоний, ақлий, ахлоқий, маънан соғлом қилиб тарбиялаш, айниқса уларда миллий ғуур, миллий онг, нафосатни уйғун камол топтиришга алоҳида этибор бериб келинмоқда. Чунки, миллий онг, миллий ғуур ва тафаккур энг аввало, миллий қадриятимиз саналмиштилиминиз, тарихимиз, халқимизнинг узоқ тарихий тараққиёти мобайнида шаклланган ўзига хос маданий ва моддий бойликларини ўрганиш, уларга меҳр қўйиш, асрраб авайлаш ва ривожлантириш негизида таркиб топади. Шунинг учун ҳам халқимизнинг миллий қадриятлари тизимида муҳим ўрин тутувчи халқ мусиқасининг ёшлар тарбиясида тутадиган ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

Таълимнинг илк даврларидан болаларга бундай намуналарни ўргатиш, ижро эттириш жараёнида уларга оғзаки анъанадаги миллий фольклор мусиқаси, унинг етакчи жанрлари, тузилиши ва анъанавий ижро услублари ҳақида энг зарур тушунчаларни бериш асосий мақсад қилиб қўйилган бўлсада, лекин халқ оғзаки мусиқа ижодиёти намуналари тарихи, айниқса болалар фольклор қўшиқларининг юзага келиш тарихини ўрганиш, улани тинглаш, куйлаш хусусида жуда кўп ишларни амалга оширилиши долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбек халқ фольклор мусиқаси сингари Бухоро болалар фольклор қўшиқлари, яъни оғзаки анъанадаги миллий мусиқа жанрлари (турлари) ўзининг бадиий мазмуни ва ҳаётий ўрнига қўра хилма-хил ва ранг-баранг. Уларнинг тузилиш хусусиятлари ва бир-бирига яқинлиги - Мавсуммаросим, доимий, (кунда) яъни ҳар доим ва ҳар вазиятда айтилиши мумкин бўлган кўй-қўшиқлар ва меҳнат қўшиқлари каби уч турга тасниф қилинади. Буларнинг айримлари ҳақида юқорида, 4-синф мусиқа дарслиги

материаллари таҳлили мисолида қисқача тўхталиб ўтган эдик. Уларга янада кенгроқ тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ кўрдик, чунки уларнинг мазмун-моҳиятига тегишли жуда кўп болалар фольклор қўшиқлари учрайди:

1. Мавсум-маросим куй-қўшиқлари. Бунга энг оммавий кўринишдаги ёр-ёрлар, ўланлар, айтишувлар, байрам, фасллар билан боғлиқ мавзули айтимлар ўз ўрнида йифи йўқловлар ва халқнинг турли вилоятларига хос удумлари билан боғлиқ қўшиқ-айтимлари кирсада, лекин болалар фольклор қўшиқлари ҳам бундан мустасно эмас ва улар ҳам ўз мазмун-моҳияти ва тематикасига кўра катталар фольклори билан чамбарчас боғлангандир.

2. Мехнат қўшиқлари. Асосан, дехқончилик (дехқонларнинг ҳосил йиғишириш, ерга уруғ экиш, ишлов бериш) чорвачилик ва меҳнатнинг бошқа турлари (косибчилик, темирчилик, ҳунармандчилик, аёлларга нисбат бериладиган касб-ҳунарлар)га оид айтимлар киради. Болалар фольклор қўшиқларида ҳам меҳнатга доир ғояларни учратиш мумкин. Маслан, “Томдан тараша тушди” қўшиғида ”Қамчинни акамга бердим”, “Донни товуққа бердим”, “Тухумни ўчоққа қўйдим” каби меҳнатга доир иборалар мавжуд.

3. Доимий, (кунда) яъни ҳар доим ва ҳар вазиятда айтилиши мумкин бўлган кўй- қўшиқлар. Бу турдаги қўшиқ айтимлар мавзулари жуда кенг ва хилма-хил бўлиб, турли хил ўйинлар, дўстлик, тинчлик, инсоний фазилатлар, насиҳат, соф ишқий мазмундаги, беғубор баҳтиёр болалик кечинмалар, инсонларни ёрқин келажак, фаровон турмуш ҳақидаги орзумид, интилишлари ифодаланган қўшиқларни киритиш мумкин.

Оғзаки анъанадаги фольклор айтимларининг деярли барчаси, яъни барча жанрларида ижод этилган намуналарида халқ оғзаки бадиий ижодига мансуб бармоқ вазнидаги шеърлар билан куйланади. Зотан, шеър ва куй (назм ва наво) қадимдан муштарак ижод маҳсули ҳисобланади. Шу ўринда ўзбек халқ фольклор мусиқа ижодиётининг энг оммавий ва бевосита болалар фольклорига ҳам бирдек тегишли бўлган баъзи жанрлар хусусида қисқача тўхталиб ўтамиш:

Маълумки, она боласига бўлган меҳр- муҳаббати ва орзуистакларини алла қўшиғи орқали ифодалайди. У майин, оромбаҳш, ёқимли, лирик оҳангга эга бўлиб, бола руҳиятини тинчлантириш ва осойишта, ширин уйқуга элтишига ҳизмат қиласи. Алла болалиқдан ёш гўдак қалбида миллий мусиқа оҳангларини идрок этиш кўнилмаларини ривожланитириб бориши билан бир қаторда онанинг боласига алла айтиш ҳолатларини қиз болалар томонидан ўрганиши ва ўзининг қўғирчогини “эркалатиш”,

“ухлатиш” меҳр билан “парваришилаш” хислатраини шаклланиши учун асос бўлади.

Демак, бола эндиғина дунёга келган кунидан бошлаб, онанинг ардоғи, ёқимли алласини эшитади. Болалар учун яратилган маҳсус алла қўшиқлари инсон онгига она сути билан киради. Кейинчалик у кенгайиб, ранг–баранг оҳанглар, хилма–хил рамзлар, сўзлар билан мукаммалашиб боради. Биби, оналар томонидан куйланиб келинган ва ҳозиргача ўз мавқенини йўқотмасдан келаётган алла қўшиқлари ўзининг мазмун-моҳиятини худди фольклор қўшиқлари сингари ҳаётни бадиий тимсоллар орқали акс эттиради ва шу туфайли киши қалбida эстетик ҳис–туйгулар, ҳаяжонлар, кўтаринки кайфият, раҳм–шавқат, шодлик, ғам–қайғу, нафрат, ҳасрат пайдо бўлади. Абу Али ибн Сино бола учун айтиладиган алла қўшиғининг бола тарбиясидаги аҳамиятини қўрсатиб, бу масалада фақат жисмонийгина эмас, руҳий омилга ҳам диққатимизни қаратади:

Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун, унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин–аста тебратиб, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқа ва алладир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади. Улуғ Ҳаким алла айтиётган онанинг уни ижро қилаётганда ғазаб, ғамгинлик, чўчиш сингари салбий ҳолатлардан холи бўлишини таъкидлайди. Демак, алла уни куйлаётган онанинг қалбida ҳам меҳр–муҳабbat ҳисларини уйғотади ва бу меҳр–муҳабbat бола онгода ҳам аста-секин шаклланиб боради.

Болалар фольклор қўшиқлари ривожида лапар жанри ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Лапарлар шунчалик оммалашган жанрки, у турли даврларда кекса ва ёшлар томонидан бирдек ижро этилган. Бу жараёнда завққа тўлган тингловчилар чапак чалиб унга жўр бўлишган. Лапарларнинг шўҳ ва рақс жўрлигида ижро этилши, завқбахш, ҳазиломуз куй усулида яратилганлиги, одатда бир, икки ва баъзан қўпчилик томонидан айтишув тарзида ижро этиб келинган ҳолатларини болалар ижросидаги кўринишларига ҳам дуч келишимиз мумкин. Лапар қўшиқлари севимли жанр сифати халқ орасидаги иқтидорли кишилар томонидан яратилиб келинган. Бугунги кунда жуда кўплаб халқ лапар қўшиқлари нотага олинган, таниқли фольклор дасталари репертуаридан кенг жой олган ва хор ижросига мослаштирилган. Шунинг учун ҳам оммавий ижро этилган халқ лапарларининг аксарияти “терма” характеристига эга. Масалан, “Оқ олма, қизил олма” тўпламига кирган қўпчилик лапарлар бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Халқ лапарларида ҳажвий лапарлар ҳам кенг ўрин тутади. Кишиларнинг табиий нуқсонларидан тортиб, ишёқмаслик, дангасалик, андишасизлик, юлғичлик каби иллатлар устидан қулинади. Бундай лапарлар асарнинг ижтимоий-гоявий вазифасини ошириб, катта тарбиявий аҳамият касб этади. Мусиқа дарсларида халқ лапарларидан фойдаланишда уларга фақат бир томонлама, яъни ўқувчиларга ўргатиш ва куйлаттириш нуқтаи-назаридан ёндошиш эмас, балки улардан дарснинг мусиқа тинглаш фаолиятида фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек мусиқашунослигида лапар жанри анча кенг ўрганилган. Яна шундай намуналар борки, ижроси профессионал маҳоратни талаб қиласи”. Шу хусусиятига қўра халқ орасида қўшиқ ижрочилари қўшиқчи, халфа, сатанг, гўянда (нахвагар), ашулакаш (ашулачи), лапарчи, ўланчи тарзида фарқланади. Қўшиқчи қўпинча тўртликларни ижро этса-да, аслида нисбатан кенгроқ маънода, умуман, қўшиқ ижрочиси ва ижодкори бўлса, гўянда (нахвагар), асосан, йиғи-йўқловларни куйлашга ихтисослашган қўшиқчидир. Ашулакаш ёки ашулачи қўпинча мақом таркибидағи қўшиқларни ёки катта ашула дейилгувчи жўрсиз ижро этиладиган қўшиқни куйлай оладиганлардир. Лапарчи раксга тушган ҳолда қўшиқ айтувчи бўлса, ўланчи тўй маросими қўшиқларини ижро этувчиидир.

Маълумки, қўшиқ жанри халқимиз мусиқа ижрочилиги ва ижрочилик амалиётида кенг тарқалган ва энг оммавий жанр бўлиб ҳисобланади. Қўшиқ асосан бармоқ вазnidаги халқ оғзаки ижодиётига тегишли шеърлар билан, диапазони (паст ва юқори товушлар ораси) унча кенг бўлмаган куйлар билан айтилади. Қўшиқ жанрининг бошқа жанрлардан ажратиб турувчи энг муҳим фарқли хусусияти уни бармоқ вазnidаги тўртликлар билан **банд** ва **нақоратнинг** мавжудлигидадир. Қўшиқлар ўз мазмуни ва табиатига қўра барча мавзууларда бўлади ва исталган вақтда ижро этилиши билан ҳам ҳарактерлидир. Фольклор қўшиқчилик санъатида болаларга аталган ва болалар ижросига мўлжалланган қўшиқлар ҳам жуда кўп бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам болалар ашула ва рақс дасталари репертуаридан тушмай келади, кўпчилиги турли байрам тадбирлари ва концертларда болалар томонидан севиб ижро қилиб келинади. Болалар фольклор қўшиқлари замонавий композиторлар учун ҳам илҳом манбаи бўлиб, композиторлар бундай қўшиқлар таъсирида янги асарлар яратишмоқда ёки уларнинг янгича варианtlарини яратиш борасида ҳам самарали ижод қилиб келишмоқда. Кейинги пайтларда болалар фольклор қўшиқларини нотага олиш, алоҳида тўпламлар ҳолида нашр қилиш борасида ҳам анчагина ижобий ишлар қилингандиги дикқатга моликдир.

Болалар фольклор қўшиқлари ҳозирги кунда профессионал ва ҳатто мусиқа санъатининг энг мураккаб жанри бўлган оперларга ҳам ўз ўрнида киритилаётганлиги, уларнинг кўпчилигини хор ижросига мослаштирилган ва қайта ишланган вариантларини яратилаётганлиги уларнинг умрбоқийлиги ва чинакам халқ ижоди маҳсули эканлигидан далолат беради. Ўзбек халқ мусиқа санъатидаги қўшиқчилик жанрлари таснифида булардан ташқари “Терма”, “Катта ашула”, “Ашула”, “Достончилик қўшиқлари” ҳам мавжуд бўлиб, ўтмишда бу жанрларда яратилган асарлар асосан ката кишилар ижросига мўлжаллаб ижод этилган ва ижро қилиб келинган. Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлашни ўринли деб биламизки кейинги мусиқа санъати ривожида бу жанрларда ҳам болалар ижросига мос тарзда яратилаётган ва мавжуд намуналарни асл халқона ижро услубини сақлаган ҳолда болаларбоп янгича вариантлар яратиш, мослаштириш каби ишлар муваффақиятли тарзда амалга оширилаётганлиги, болалар томонидан ашула ва “катта ашула”ларни турли байрам концертлари, танловларда муваффақиятли тарзда ижро қилинаётганлиги қувонарлидир. Республикаизда ўtkазилётган “Юлдузча” кўрик танловида ёш болаларнинг анъанавий ижро жанрлари бўйича куйлаган қўшиқларини айтиш мумкин. Бу эса мусиқа дарсларида бундай ижод намуналаридан ҳам ниҳоятда усталик, эҳтиёткорлик билан фойдаланиш мумкин эканлигини кўрсатади.

Эстетик фазилатларни тарбиялаш жараёнида ўқувчиларнинг янгидан-янги маънавий эҳтиёжлари пайдо бўлади. Шу эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилиш эса ўқувчида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга интилиш, изланишни қарор топтиради. Бу ҳаракат боланинг ўқувчилик даврида яққол кўзга ташланади. Ўқувчилар ҳаётида мусиқа таълими алоҳида ўрин эгаллайди, уларда мусиқага бўлган қизиқиш шу даврда ниҳоят даражада жадаллашади. Бу эса ўқувчиларнинг интеллектуал, эстетик ва маънавий оламини бойитиш, ривожлантиришга хизмат қиласи. Ўқувчиларнинг мусиқани ёқтириши, фольклор қўшиқлари воситасида уларни гўзаллик оламига олиб кириш, ижрочилик маҳоратларидан баҳраманд бўлиш ва уларни ўз халқининг мусиқа асарларини қадрлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда уларда енгил–елпи мусиқага қизиқиш ортиб, мумтоз мусиқий оҳанглардан узоклашиш ҳисси пайдо бўлади.

Мусиқа таълими ва тарбияси йўлга қўйилган таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнларини кузатиш ва тадқиқот юзасидан олиб борган изланишларимизда шу нарса аён бўлдики, мусиқа таълими ва тарбиясида, ўқувчи-ёшларни мусиқий маданиятини, эстетик

фазилатларининг қай даражада шаклланганлигини белгилашда уларни мусиқани идрок этиш малакалари асосий омил бўлиб ҳисобланади. Чунки, мусиқий қобилиятлар, керакли даражадаги билим, кўникма ва малакалар мусиқани қандай, қанақа, қай тарзда идрок этилиши орқали намаён бўлади, яъни биз ўқувчининг мусиқий билим, кўникма ва малакаларини қай даражада ривожланганлигини ўқувчининг мусиқа мазмуни, моҳиятини, характеристи, кайфиятини, мусиқий образни, воқеъликни, муаллиф ғоясини, кечинмаларини ҳис этиши, савияси паст ва юксак ижод намунаси бўлган асарларни фарқлаши, баҳо бериши, муносабат билдира олиши, асарларни тинглаб таҳлил қила олиш, каби кўплаб фазилатларни амалда намаён қилишларига қараб билишимиз мумкин. Бу фазилатлар эса умумий тарзда ўқувчининг мусиқий идрокини муайян даражасини белгиловчи сифатларини ташкил этади. Мусиқа дарсларида ўқувчиларни қўшиқ куйлашга ўргатиш, турли жанр, характеристи, мавзулардаги замонавий, фольклор қўшиқлари, композиторлик ижоди намуналари, қардош ва чет эл мусиқалари билан таништириб бориш асосан мусиқий асарни тинглаш орқали амалга оширилади. Бу жараёнда ўқувчи мусиқа саводи ёки қўшиқ куйлаш, болалар чолғуларида ижро этиш, мусиқага мос ритмик ва рақс ҳаракатларни бажариш бўлмасин аввало, мусиқа тинглайди ва сўнгра амалий фаолиятга киришади, назарий, амалий билим қўникма, малакалари ва энг муҳими мусиқани идрок этиши яъни, мусиқий идроки ривожланиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, ёш авлодни фольклор қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялашда мусиқани ҳиссий идрок қилишга йўналтириш энг асосий омил ҳисобланади. Мусиқа таълимида ўқувчини қизиқтириш алоҳида аҳамиятга эга. Қизиқиш ўқувчиларнинг эҳтиёжига айланса, уларнинг дикқати ва фикри, хаёlinи жамлашга катта имкон беради. Фольклор қўшиқларидан оладиган маълумотларнинг кенг қамровли бўлишини таъминлаш, ҳиссий таъсирчанликни ўстириш учун ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини ривожлантириш зарур. Ўқувчиларга ўргатиладиган фольклор қўшиқларининг мусиқий безаги, ундаги нола ва қочиримлардан унумли фойдаланган ҳолда халқ анъаналари, удумлари ҳамда турли маросимлар билан узвий боғлаб, ўқувчиларга сингдириш лозим.

Бухоро мусиқа фольклори намуналари таъсирчанлигини таъминловчи асосий омиллардан бири—унинг ўқувчилар ҳиссиётига тез таъсир қила олишидир. Мусиқий оҳангнинг юксак даражада эмоционаллиги, унинг инсон ҳиссиёт ҳамда кечинмаларига самарали, кучли ва чукур таъсир эта олишида намоён бўлади. Бухоро фольклор қўшиқларини ижро этиш

жараёнида сўзнинг эмоционаллиги билан биргаликда ундаги ўйноқилик, харакатчанлик, эпчилликка ундаш, имо-ишоралар, товушларнинг оҳангдорлиги, чолғу созларнинг мусиқий жозибадорлиги ўқувчиларда гўзалликка бўлган интилишни шакллантиради ҳамда, эстетик тарбия воситаси бўлиб хизмат қиласи. Эстетик тарбиялаш орқали ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатлар ҳам шакллантирилади[80]. Марказий Осиё халқлари орасида мавжуд бўлган ва улар томонидан яратилган афсона, ривоят ва қўшиқларда ҳам эстетик тарбия бош мезон сифатида намоён бўлган. Қўшиқнинг сехри, жозибадорлиги ҳатто жаҳлдор, зулмкор ҳукмдорларни ҳам шаҳдидан қайтарган, адолатли бўлишга ундаган.

Демак, фольклор намуналарида халқнинг эзгу ниятлари, орзу-умидлари, ахлоқий фазилатлари, анъаналари ўз аксини топган. Маънавий-ахлоқий фазилат каби унинг негизини ташкил қиласиган моддий-маънавий қадриятлар ҳам тарихий ҳодисалар сифатида халқ учун хос бўлган хусусият бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб, изчил давом этиб келмоқда. Фольклор намуналарида, шу жумладан, Бухоро фольклор-намуналарида ифодаланган ўгитлар, намуна кўрсатиш, ўрнак бўлиш, мурожаат қилиш, киноя, пичинг, кесатик каби поэтик воситалар бўлса; мусиқий оҳанг, маҳсус кўринишлар эстетик тарбия манбаси сифатида хизмат қиласи. Фольклор қўшиқлари муҳим ижтимоий педагогик аҳамиятга эга. Жумладан, улар ўқувчиларни ёшлигиданоқ фойдали ишларга ўргатиш, жамият учун манфаат келтирадиган, баркамол шахс бўлиб етишишида муҳим восита бўлиб хизмат қиласи. Бундан ташқари, фольклор қўшиқлари ўқувчиларда юксак инсоний фазилатлар ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, дўстга садоқат, одамларга ишонч туйғуларини шакллантиради. Мусиқа фольклорини ўрганиш орқали ўқувчилар маънавий қадриятларнинг таъсир кучи, халқимизнинг миллий характеристи, гоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, ақлий, жисмоний маданият каби тушунчаларга эга бўладилар. Шунинг учун, мусиқа фольклори ўқувчиларда ахлоқий фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора –тадбирлар тўғрисида 2017 йил 31 майдаги қарори.-Т.:Маърифат газ.2017.5-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг VMQ №222-сон “2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос обьектларини муҳофаза

қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тұғрисида”Халқ сүзи газ.2010. йил 8 октябр.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси// -Т.; “Ўзбекистон”,- 2014.-396.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тұғрисида” ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тұғрисида. «Маърифат» газетаси,2020.23- сентябр.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Респубблакасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тұғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони// -Т.; Маънавият газ. 2017.-56.

SHARQ ALLOMALARINING MUSIQIY NAZARIY MEROSI

Xasanboyeva Fotima Abduaizovna

*Farg’ona viloyati Farg’ona tumani 26-Bolalar musiqa va san’at maktabi
“Musiqiy-nazariy” fanlar o’qituvchisi*

Annotatsiya: *Mazkur maqolada Sharq allomalari Farobiy, Xorazmiy, Ibn Sino, Sayiuddin Urmaviy, Abdulqodir Marog’iy, Abduraxmon Jomiy, Navoiy kabi ulkan omillar tomonidan qoldirilgan musiqiy nazariy meros xaqida ma’lumotlar berilgan.*

Kalit so‘zlar: *Farobiy, Xorazmiy, Ibn Sino, Safiuddin Urmaviy, Abdulqodir Marog’iy, Abdurahmon Jomiy, Navoiy.*

Mumtoz musiqa va uning tarqalishi bilan bog‘liq bo‘lgan kasb-hunar azaldan amaliy va nazariy bilimlami o‘z ichiga oluvchi yagona ilm hisoblangan. Sharq klassik musiqasining nazariy masalalari Forobiy, Ibn Sino, Safiuddin Urmaviy, Abdulqodir Marog’iy, Abdurahmon Jomiy kabi ulkan olimlar tomonidan atroflicha o‘rganilgan. Ulaming asarlari musiqa ilmining poydevorini tashkil qiladi. Risolalarda mumtoz musiqaning ijtimoiy hayotdagi o‘mi, tarixiy shakllari, ijrochilik masalalari hamda ular negizidagi kuy va usul tuzilmalarining tarkib topish qonun-qoidalari batafsil yoritilgan. Nomlari zikr etilgan musiqashunoslarda har birining o‘ziga xos tomonlari bo‘lishi bilan bir qatorda umumiyy qarashlar, vorisiylik rishtalari, izchil an’analar ham yaqqol sezilib turadi. Ular ijodi tabiiy ravishda bir-birini to‘ldirib, umuman, mumtoz musiqa asoslariga nisbatan yagona ilmiy an’ana bo‘lib gavdalanyadi. Forobiy (taxallusi, to‘la nomi esa Abu Nasr Muhammad ibn Uzlug Tarxon Forobiy) - o‘rta asr Sharq musiqa madaniyatining eng yirik namoyandası. Fanda Forobiyning hayoti va faoliyatiga